

Навоий вилояти халқ таълими
Бошкармаси бошлиғи ўринбосари
Ш.Бозоров
2022 йил



ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ГАНДАН УЧУН ҲУЖЖАТЛАР

Хизмат кўрсатиш учун: Навоий вилояти Учкудук, Томди туманлари ва Зарафшон шаҳар ХТБ ларига қарашли таълим муассасалари учун 2022-2023 йиллар кўз-қиши мавсуми учун кўмир ёқилгисини ташиш.

Буюртмачи: Навоий вилояти халқ таълими бошкармаси

Буюртмачи номидан жавобгар шахс: Ережепов Айбек Курандаревич

Навоий – 2022 й.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАР ТАНЛОВИ (ЭЯТТ) иштирокчиси учун қўлланма

1. Умумий қоидалар.

1.1 Ушбу энг яхши таклифлар танлови – ЭЯТТ хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги Конунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2 Танлов мақсади: Навоий вилояти Учкудуқ, Томди туманлари ва Зарафшон шаҳар ХТБ ларига қарашли таълим муассасаларига (руйхат асосида) кўмир ёқилғиси ташиш хизмати. Манзил иловага мувофиқ туман ХТБ га қарашли мактаблар.

1.3 ЭЯТТ нинг энг сўнги қиймати 220 490 000 (Икки юз йигирма миллион тўрт юз тўқсон минг юз) сўмни ташкил қиласди.

ЭЯТТ таклифидан кўрсатилган нархлар энг сўнги қийматдан ошиб кетмаслиги керак.

Бажариладиган ишнинг техник вазифалари (хизматлар) ЭЯТТ хужжатларининг техник кисмida тақдим этилади.

2. ЭЯТТ ташкилотчилари.

2.1 Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси ЭЯТТ буюртмачиси (бундан кейин “Буюртмачи”) хисобланади.

Манзил: Навоий вилояти Учкудуқ, Томди туманлари ва Зарафшон шаҳар ХТБ ларига қарашли мактаблар (руйхати илова қилинади)

Тел: 79 220-22-23

Факс: 79 220-22-23

СТИР: 200006469

Х/р: 23402000300100001010

Банк: Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

МФО: 00014

2.2 Алоқага чиқувчи шахс: _____

2.3 Комиссиянинг ишчи органи: Навоий вилояти халқ таълими бошқармасининг давлат харидлари бўйича комиссия таркиби (бундан кейин “Ишчи орган”) хисобланади.

2.4 Шартнома эгаси: Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси

2.5 Танлов Буюртмачи томонидан тузилган, таркиби беш аъзодан иборат ЭЯТТ комиссияси томонидан ўтказилади.

3. ЭЯТТ иштирокчилари.

3.1 Танлов мулкчилик шаклларидан қатъий назар, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. 4.2 бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

4. ЭЯТТ ўтказиш тартиби.

4.1 ЭЯТТ да қатнашиш учун иштирокчи қуйидагиларни бажариши керак. а) ЭЯТТ шартлари билан танишиш учун маҳсус ахборот парталида жойлаштирилган ЭЯТТ хужжатларини электрон версиясини олиш (юклаб олиш);
б) ЭЯТТ хужжатлари талабларига мувофиқ таклиф юбориш.

4.2 Куйидаги катнашувчилар ЭЯТТ да иштирок этишга қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлганлар;

- “Буюртмачи” билан суд ёки ҳакамлик иши кўриб чиқилиши ҳолатида бўлганлар;

- инсофсиз ижрочиларнинг Ягона реестрида қайд этилганлар;

- имтиёзли солик имтиёзларини тақдим этадиган ёки молиявий операциялар ўтказилиш

пайтида (оффшор зоналарда) маълумотларни ошкор килиш ва тақдим этишини

таъминламайдиган, давлат ёки худудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобваракларга эга бўлганлар.

4.2 Буюртмачи иштирокчини қўйидаги холларда харид килиш процедураларида иштирок этишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита ҳар қандай ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахс ёки буюртмаси ходими, ёки бошқа давлат органига ҳар қандай шаклдаги иш ҳаки таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса, ишга ёллаш ҳақида таклиф ёки ҳар қандай хатти-харакатларни амалга ошириш учун таъсири кўрсатиш, қарор қабул килиш ёки давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай танлов тартибини қўллаш мақсадида хизматни таклиф этса, бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюм берса ёки беришга розилик билдирса;
- иштирокчи адолатсиз ракобат устунлигига эга бўлса ёки конунни бузишда манфаатлар ташкнашуви мавжуд бўлса.

5. ЭЯТТ таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби.

5.1 Порталда эълон қилинган ЭЯТТ иштирокчилари эълонда белгиланган тартибда таклифлар тақдим этадилар.

5.2 ЭЯТТ иштирокчилари:

- Тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгар бўлади;
- Фақат битта таклиф тақдим этишга ҳақлидир;

5.3 ЭЯТТ иштирокчиларига қўйиладиган талаблар қўйидагича:

- ЭЯТТ қийматининг камида 10% миқдорида айланма маблағларга эга бўлиш (Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2021 йилдаги 55-сонли карорининг 29-банди);
- Хусусий ёки ижарага олинган техник базага эга бўлиш (камида 6 дона юк ташиш машинаси);
- Тегишли мутахассислар (иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган юк машинаси хайдовчилари) га эга бўлиш;

6. Таклифларни тақдим этиш муддатининг узайтирилиши.

6.1 Зарурат туғилган ҳолларда, буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек, комиссия қарори билан ЭЯТТ иштирокчиларига ўз таклифларининг амал қилиш муддатини маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

6.2 ЭЯТТ га таклифлар тақдим этиш муддатларини узайтириш тўғрисидаги эълонлар маҳсус ахборот порталига жойлаштирилади.

7. Хужжатларга ўзгартиришлар киритиши.

7.1 Зарурат туғилган ҳолларда, буюртмачи ЭЯТТ хужжатларига ўзгартиришлар киритиши тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

7.2 Таклифлар бериш муддати якунида хужжатларга ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, ЭЯТТ хужжатларига ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб камида ўн кунга узайтирилади. Шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида, агар кўрсатилган маълумотлар ўзгартирилган бўлса, ЭЯТТ ўтказилиши тўғрисидаги эълонга ҳам ўзгартиришлар киритилади.

8. ЭЯТТ ни баъолаш тартиби ва мезонлари.

8.1 ЭЯТТ иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиши ва баъолаш муддати таклифлар тақдим этиш муддати тугагандан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

8.2 Комиссия ушбу хужжатда кўрсатилган мезонлар асосида ЭЯТТ ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни баъолашни амалга оширади.

- 8.3 ЭЯТТ иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатларда мавжуд маълумотларнинг ишончсизлиги аниқланган ҳолларда, комиссия бундай иштирокчини ЭЯТТ да иштирок этишини тўхтатишга ҳақлидир.
- 8.4 Таклифларни баҳолаш ва ЭЯТТ ғолибини аниқлаш ЭЯТТ хужжатларида белгиланган мезонлар ва қуийдаги балларни баҳолаш асосида амалга оширилади:
- КД малака қисми техникасининг миқдорий кўрсаткичи -50 %
 - КД нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичи 50% ни ташкил этади.
- 8.5 ЭЯТТ ни баҳолаш жараёнида комиссия иштирокчиларидан уларнинг таклифлари бўйича тушунтиришларни талаб қилиши мумкин. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳияти, шунингдек нархлар буйича ҳар қандай ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.
- 8.6 ЭЯТТ хужжатларида кўрсатилган шартлардан келиб чиқкан ҳолда, электрон тизим ЭЯТТ нинг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда ғолибни, энг кўп балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланган ҳолда) автоматлашган ҳолда аниқлайди.
- 8.7 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.
- 8.8 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харидлар комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ундан кўчирма маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 8.9 ЭЯТТ нинг ҳар бир иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан кейин ЭЯТТ натижаларини аниқлаштириш учун буюртмачига сўровнома юборишга ҳақлидир. Бундай сўровнома олинган кундан бошлаб буюртмачи уч иш куни ичida ЭЯТТ иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

9. Томонларнинг жавобгарлиги.

- 9.1 Қуийдагилар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган ҳолда жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар:
- келган таклифларни ҳисобга олувчи, ишчи орган таркибига кирувчи шахслар.
 - комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гурух аъзолари маълумотларни ошкор қилиши, иштирокчilar, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб этилган экспертлар билан тил бириктиришга йўл қўйганликлари, шунингдек, бошқа ноқонуний харакатлари учун.
 - Шартнома буйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник параметрлар буйича) ЭЯТТ ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган ва/ёки тузилган шартнома буйича жавобгар бўлади.

10. Бошқа шартлар.

- 10.1 ЭЯТТ да иштирок этиш истагини билдирган иштирокчilar ўтказилаётган ЭЯТТ бўйича тушунтириш олиш учун ишчи органга мурожаат қилиш хуқуқига эга.
- 10.2 ЭЯТТ қуийдаги ҳолларда комиссия томонидан ўтмаган деб эълон қилинади:
- агар ЭЯТТ да малака талаблariга жавоб берадиган иккитадан кам қатнашган иштирокчи бўлса;
 - агар ЭЯТТ таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра комиссия хужжатлар талабдарга жавоб бермаслиги сабабли барча таклифларни рад этган бўлса.
- 10.3 Буюртмачи ютиб чиқсан таклифни қабул қилишда нолдин исталган вактда ЭЯТТ ни бекор қилиш хуқуқига эга. Буюртмачи танлов бекор қилинган холатларда ушбу қарорнинг асосланган сабабларини маҳсус ахборот порталида эълон қиласди.

11. Шартнома тузиши.

- 11.1 ЭЯТТ натижаоарига кўра ЭЯТТ ҳужжатларида кўрсатилган шартлар ва шартнома тузилган ЭЯТТ иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклиф асосида шартнома тузилади.
- 11.2 Комиссия қарори билан ЭЯТТ ғолиби деб эълон қилинган ЭЯТТ иштирокчиси маҳсус ахборот порталида эълон қилинади. Агар ЭЯТТ ғолиби ЭЯТТ шартлари бўйича шартнома тузишни рад этса, шартнома тузиш ҳуқуки захирадаги ижрочига ўтади. Агар иштирокчидан ЭЯТТ ҳужжатлари бўйича саволлар бўлса, у аризалар топшириш муддати тугашидан икки кун олдин очиқ электрон чат орқали мижоз билан боғланиши мумкин.

Буюртмачи номидан жавобгар шахс:

